

Ангор ёвдуси

Газета 1980 йил 26 ноябрдан чиқа бошлаган
Ижтимоий-сиёсий газета

Халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг газетаси

2021 йил 15 январь
№ 1 (3333) жума.

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

Ангор туман ҳокими Ш.Абдуллаевнинг Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги

Хурматли Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадри дўстлар!
Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу кутлуг сана мамлакатимизда ватанпарварлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасурлик каби эзгу қадриятларни, халқимизга, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворисларига хос бўлган юксак фуқаролик фазилатларини ўзида мужассам этадиган том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига қўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди.

Амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз

том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида Қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади.

Мана шу байрам кунинда сизларнинг жанговар меҳнатингиз ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизнинг обрўйи ва нуфузини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлашни зарур, деб биламан.

Муҳтарам Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон миллий армияси жадал ривожланмоқда, унинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги изчил ошиб бормоқда,

мамлакатимизнинг муҳофаза қудрати мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Бу ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз гуруҳ билан, миннатдорчилик билан эътироф этмоқда.

Ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатмоқда.

Азиз дўстлар!

Сиз, азизларни ҳамда оила аъзоларингизни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

14 январь куни халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида туман ҳокими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, кун тартибига киритилган масалалар алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашди. Сессияни халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Шохжаҳон Абдуллаев бошқариб борди.

Дастлаб, биринчи масала "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида" туман ҳокими маъруза қилди.

Шундан сўнг, кун тартибидоги кейинги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини

ликлар профилактикаси юзасидан 2020 йил 4-чораги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида" ахборот берди.

Кун тартибидоги олтинчи масала яъни "Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан Ангор туманида олиб борилаётган ишлар тўғрисида" тумандаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири Эркин Тангиров маълумот берди ўтди.

Кун тартибидоги масалалар юзасидан муҳокамалар, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида муҳокама этилган масалалар бўйича қарорлар қилинди.

Г.ЖУМАЕВА

"Ангор ёвдуси" таништиради

Ангор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Умаров Фарид Нусратович

фоҳонаси бош врач вазифасида ишлаб келаётган Умаров Фарид Нусратович Ангор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Маълумот ўрнида, Фарид Умаров 1988 йилнинг 22 майида Музработ туманида туғилган. 2013 йилда Тошкент тиббиёт академи-

ясини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги — инфекциялист. Меҳнат фаолияти давомида Вилоят кўп тармоқли катталар поликлиникасида, Музработ туман тиббиёт бирлашмасида ҳамда виллоят юқумли касалликлар шифохонасида врач бўлиб ишлаган.



Сурхондарё вилоят юқумли касалликлар ши-

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Тадбир бўлиб ўтди



Хур Ўзбекистонимиз узра тинчлик-осудалик ҳужрон. Амалга оширилаётган ислохотлар жаннатмонанд она юртимиз хуснига янада тароват бағишламоқда. Ўзгаришлар ва янгиланишлар жилваси элимизнинг яратувчанлигини кўз-кўз этади. Тинчликсевар халқимизнинг уйғоқ қалби яратиб ишқи, бунёдкорлик, туйғулари билан лиммолим. Ана шу бетакрор гўзаллиқни, бебаҳо неъмат бўлган тинчлиги хотиржамликни, истиқлолни ҳамisha ишончли ҳимоя қилиш элимизнинг марду майдонлари зиммасидадир.

Марди майдонлар деганда, ҳарбий лисобларда, қадамидан ўт қаснаган, кўзларида жасорат порлаган алп ўғлонларимиз, жасур аскарларимиз тасаввурга келади.

14 январь-уларнинг байрами. Ватан ҳимоячилари куни!

Юртимиз бўйлаб байрам шуқуқи кезиб юрибди. Чунки мамлакатимиз ҳаётидаги шонли сана Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 29 йиллиги тинчликсевар халқимизнинг уйғоқ қалби яратиб ишқи, бунёдкорлик, туйғулари билан лиммолим. Ана шу бетакрор гўзаллиқни, бебаҳо неъмат бўлган тинчлиги хотиржамликни, истиқлолни ҳамisha ишончли ҳимоя қилиш элимизнинг марду майдонлари зиммасидадир.

Марди майдонлар деганда, ҳарбий лисобларда, қадамидан ўт қаснаган,

қиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати демек. Бугун фаровон турмушимиз, фарзандларимизнинг овоз ва обод Ватанда яшаётгани, эришаётган оламшумул ютуқларимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик туйғулари. Бунинг ҳар бир юртдошимиз теран англайди, юракдан ҳис қилади. Шунинг учун ҳам халқимиз, ҳатто фарзандларимиз ҳам Ватан ҳимоячиларини қадрлайди, уларга ҳавас қилади.

Ватанни севиш, ватанпарварлик туйғуси бизга боболаримиздан мерос

ликни сақлашдек олижаноб мақсад йўлида ҳар қандай жасоратга тайёр мард ва ботир ўғлонлар намоён бўлади. Дарҳақиқат Миллий армиямиз сафларидаги шерюрак, оловқалб ўғлонларнинг мардонавор хизмати сабаб юртимиз тинч, осмонимиз мусадфо, сарҳадларимиз дахлсиз.

13 январь куни Ангор туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллигига бағишлаб тадбир ташкил этилди. Дастлаб, туман ҳокими Шохжаҳон Абдуллаев барча Ватан ҳимоячиларини



бўлиб қолган. Ватан тушунчаси она сути, она алласи билан фарзандга ўтади. Фарзанд улғайиб бу тушунча буюк эканини, унинг ҳар бир заррасини кўзга суртиш кераклигини англаб этади. Ватан ҳимояси ҳамма замоналарда ҳам энг шарафли ва олижаноб иш, она диёрга меҳр-муҳаббатни амалда намоён этишининг олий намунаси бўлиб келган. Ватан ҳимоячиси деганда халқимиз кўз ўнгига, энг аввало, қоматига, ҳарбий либос ярашган, тугилган юрти ва оқ сут берган халқини жондан севувчи, замонавий ҳарбий билимларга эга, тинчлик ва барқарор-

қутлуг айём билан табриклади.

Шундан сўнг, бир қатор ҳарбийлар ва туман мудофаа ишлари бўлими ходимларига совғалар тақдим этилди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда мард ва жасур йигитлар томонидан ҳарбий чиқишлар намоиши этилди. Шунингдек, ҳарбий оркестр садолари остида парад ҳам бўлиб ўтди. Тадбирга тақлиф этилган "Ёшлар дафтари" ҳамда "Аёллар дафтари" киритилган тумандошларимизда ушбу тадбир катта таассурот қолдирди.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Президентнинг тегишли қарорига (ПҚ-4938-сон, 30.12.2020 й.) асосан:

2021 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори 1,1 баробарга оширилади.

2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – **ойига 747 300 сўм;**
- базавий ҳисоблаш миқдори – **245 000 сўм этиб белгиланади.**

Шунингдек, қарор билан **2021 йил 1 январдан** Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилади.

Жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилган қисми ҳамда жамғарманинг жорий ил охирига қолдиқ маблағлари давлат бюджетига ўтказилади.

2021 йилда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тadbирлари давлат бюджетидега коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари доирасида молиялаштирилади.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

“2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-4936-сон, 28.12.2020 й.) қабул қилинди.

Қарор билан 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ва 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар тасдиқланди.

Шунга кўра, белгиланган йилларда республикада, жумладан:

22 та богча (жами 2 970 ўринга эга), 31 та умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар (жами 13 934 ўқув ўрнига эга), 16 та ОТМ (жами 9 300 ўқув ўрнига эга) янги қурилади; жисмоний тарбия ва спорт объектиларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш бўйича жами 55 та лойиҳа (шундан 23 таси янги қурилиш) амалга оширилади; **11 та маданият ва санъат объекти** янгидан қурилиб, 7 таси реконструкция қилинади;

соғлиқни сақлаш объектиларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича жами **131 та лойиҳа** (шундан 24 таси янги қурилиш) амалга оширилади; Шунингдек, илм-фан ва инновация объектиларини ривожлантириш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилади.

Хусусан, **2021-2022 йилларда** Тошкент шаҳрида Халқаро молекуляр аллергология марказини қуриш назарда тутилган. Бундан ташқари, темир йўл ва метрополитен йўлини ривожлантириш чоралари ҳам қурилади.

“Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни янада қўллаб-қувватлашга қaratилган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги ҳукумат қарори қабул қилинди (830-сон, 31.12.2020 й.).

Қарор билан Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўп болали оила тушунчасининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, жумладан:

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариш киритилиб, кўп болали оилаларга уй-жой ажратишда 16 ёшга етти нафар ва ундан зиёд болалари бўлиши лозимлиги талаби бекор қилинди.

Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қарамоли бепул бериш шартлари тўғрисидаги низомга киритилган ўзгаришга кўра, кўп болали оилаларга бепул қорамол берилишида вояга етмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари бўлиши лозимлиги талаби бекор қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Оила кодексига мувофиқ тўрт нафар ва ундан ортиқ 18 ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали ҳисобланади. Агар тўрт нафар ва ундан ортиқ болаларидан 1 нафари ёки ундан кўпроги таълимнинг кундузги шаклида (урта махус ва касб-ҳунар, олий таълим) таълим ташкилотларида ўқиётган ҳамда 22 ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болали оила ҳисобланади.

Ҳукумат қарори (829-сон, 31.12.2020 й.) билан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Низомга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар куйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ёки ўзларига

Ангор туман адлия бўлими

маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органлар (Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти)га берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилса;

коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланиши (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно).

Шунга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар тегишлича БҲМнинг **3 бараваридан 25 бараваригача** (669 минг сўмдан 5 млн 575 минг сўмгача) миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин.

Агар пора суммаси ёки етказилган зарар ёҳуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати БҲМнинг юз бараваридан кўп бўлса, мукофот куйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

- анча миқдор учун – мулк қийматининг 15 фоизи миқдориди;
- кўп ва жуда кўп миқдор учун – мулк қийматининг 10 фоизи миқдориди.

Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун давлат мукофоти ҳам тавсия этилиши мумкин.

Шахсларни рағбатлантириш масалалари коррупцияга қарши курашувчи органлар ҳузурида тузилган махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Махсус комиссия қарори асосида бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаси билан тақдирлаш ҳақида қарор 1 иш кунидега чиқарилади.

Пул мукофоти харажатлар сметасига ўзгаришни киритилгандан сўнг 15 иш кунидега шахсларнинг шахсий ҳисоб-варағига ўтказиб берилади.

“Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори (824-сон, 31.12.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2020/2021 ўқув йилидан республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади.

Олий таълим муассасаси кенгаши қарори асосида: профессор-ўқитувчилар ОТМда **3 йил ишлаб беришни** назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларда стажировка ўташи ва малака ошириши; ўқитувчилар ОТМда **5 йил ишлаб беришни** назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг докторантура дастурларида ўқиши мумкин.

2021 йил 1 январдан: ОТМ ҳузуридаги техникумларда ўқув машғулотларини олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ОТМ талабаларига дарс ўтганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларидега амалга оширилади; таълим жараёнини ташкил этишда ҳафталик ўқув кунлари ОТМ томонидан мустақил белгиланади;

ОТМда ташкил этиладиган яқуний давлат аттестацияси комиссияси раислари тегишли ОТМ ректори(филиал директори) бўйири билан тасдиқланади.

“Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори (820-сон, 31.12.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурида **Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари** ташкил этилади.

Марказларнинг асосий вазифаларидан бири никоҳланувчи шахсларни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджет, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли тайёрлаш ҳисобланади.

Марказларда ФХДЭ органлари никоҳни қайд этиш учун ариза берган ва ўқув машғулотларида қатнашиш учун розилиги олинган 30 ёшдан ошмаган никоҳланувчи шахслар ўқув юклагаси ҳажми 16 соатдан кам бўлмаган дастур асосида бепул ўқитилади.

Ажраллиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг томонлари ҳам марказларда ихтиёрий ўқишлари мумкин.

Марказлардаги ўқув машғулотлари режалари ҳар ойда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлиммалари расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Ўқув машғулотларида тўлиқ қатнашган тингловчиларга тантанали равишда сертификат топширилади.

Ангор туман адлия бўлими

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ СУД ТИЗИМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди, десак янгилишимиз. Мурожаатномада давлат раҳбари суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда қўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш борасида ҳам

ташабусларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Дарҳақиқат, кейинги тўрт йил давомида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, суд соҳасини ислоҳ қилиш борасида инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди.

2020 йил 19 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, суд қарорларини қайта қўришни процессуал тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд

ишларини юритиш тўғрисидаги ҳамда Жиноят, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулланди.

Суд мустақиллиги жамиятда адолат тантанасининг гаровидир. Адолат ва қонун устувор бўлган жамиятда фуқаролар эркин ва фаровон яшайди, давлат ҳар томонлама ривожланади. Шу сабабли ҳам суд тизимини ислоҳ қилиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бу эса, шубҳасиз, суд ҳокимияти ходимлари зиммасига катта масъулият юкляди.

2021 йилдан бошлаб жо-

рий этиладиган “бир суд-бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлайди. Шу пайтгача вилоят судлари чиқарган қарор устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида кўриб чиқиларди. Бу тартиб билан адолатни тиклаш қийин эди. Шунинг учун низолар, оворагарчиликлар давом этарди.

Эндиликда бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибидега қўриш амалиёти бекор қилинади.

(Давоми 4-бетда)

2021 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛГАН “МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ” МАВЗУЛАРИ РЎЙХАТИ

Т/р	“Маънавият соати” мавзулари	“Маънавият соати”ни ўтказиш вақти
1.	“Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” госяи остида янги йил режалари таҳлилига бағишланган “Янги йил, янги режалар, янги уфқлар” мавзусида	
2.	14 январь – “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларида амалга оширилган ислохотлар ва уллар сафларида хизмат қилаётган шарафли касб эгалари ҳақида “Таянчим ва сунчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватаним!”, “Миллий армиямиз – гуруримиз, ифтихоримиз” мавзусида	Январь
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ҳақида	
4.	Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов хотирасига бағишлаб “Халқпарвар инсон” мавзусида	
5.	9 февраль – Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан “Алишер Навоий ва ижоди – миллий маънавий ҳазинамиз”, “Навоийни англаш бахти” мавзуларида	Февраль
6.	14 февраль – Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан “Буюк шоир ва саркарда”, “Бобурнинг маънавий мероси” мавзусида	
7.	Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий госяни ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳияти	
8.	Буюк аждодлар мадҳи орқали Учинчи ренессанс госяига ўтиш ҳақида	
9.	8 март – Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан “Аёл- Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси”, “Аёл маънавияти – жамият саодати”, “Аёлини эъозлаган юрт” мавзуларида	
10.	21 март – Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан “Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!” мавзусида	Март
11.	Маънавиятни шакллантирувчи мезонлар, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларнинг маънавиятни юксалтиришдаги роли	
12.	Термизий алломаларнинг миллий маънавиятимиз шаклланишидаги ўрни ва роли.	
13.	9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 685 йил тўлиши муносабати билан “Амир Темурнинг маънавий жасорати”, “Темурийлар даври маънавияти” мавзусида	
14.	Республикамизда сўнги даврда чоп этилган бадий ва тарихий китоблар тўғрисида “Китобхоннинг маънавий мулки”	Апрель
15.	Шахслараро муносабатларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ростўйлик одамийликнинг энг олий мезонидир.	
16.	“Маънавият бўлмаган жойда адолат ҳам бўлмайди” мавзусида	
17.	9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Хотира-абдий, қадр-муқаддас” мавзусида	
18.	15 май - Халқаро оила куни муносабати билан оила ва маҳалланинг болалар ва ёшлар тарбиясига таъсирини ошириш мақсадида “Оила ва маҳалланинг ёшлар тарбиясидаги ўрни”, “Оила – маънавият кўргони” мавзуларида	Май
19.	Рамазон ҳайити муносабати билан “Рамазон ҳайити – меҳр-оқибат байрами” мавзусида	
20.	Ислол мунабаси устунларидан бири, буюк ҳадисшунос аллома Абу Исо Имом Термизийнинг миллий маънавиятимизнинг шаклланишидаги тугган ўрни ва роли	
21.	31 май – Халқаро кашандаликка қарши кураш куни муносабати билан “Беғубор ёшлик сурури, бахтли кексалик гашти”, “Кашандалик – умр заволи” мавзуларида	
22.	1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Болаларнинг асрагин дунё” мавзусида	
23.	Миллат шаъни, юрт ори учун кўкси қалқон маърифатпарварлар ёҳуд Қатагон қурбонлари хотирасига назар.	
24.	Ёшларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим омилли.	
25.	“26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни” муносабати билан “Гиёҳвандлик – умр заволи” мавзуларида	Июнь
26.	30 июнь – Ўзбекистон ёшлари куни муносабати билан “Ёшлар– учинчи ренессанс драйвери” мавзусида	
27.	2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасдиқланган кун муносабати билан “Давлат герби– гурур ва ифтихоримиз тимсоли” мавзусида	
28.	11 июль – Жаҳон халқлари куни муносабати билан “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзусида	
29.	Тўй ва маъракалардаги исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган “Тўй тантаналарининг мезони қандай?” мавзусида.	
30.	Қурбон ҳайити муносабати билан “Меҳр ва мурувват – миллий фазилатимиз” мавзусида	Июль
31.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтарилган тўғрисида”ги 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон ҳамда “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарорлари мазмун-моҳияти	
32.	30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш куни муносабати билан “Одам савдоси – давр муаммоси” мавзусида	
33.	Сурхон халқининг миллийлик ва жасорати рамзи “Алпомиш” достони – ватанпарварлик, мардлик ҳамда юксак маънавият туйғуларини шакллантирувчи мезон сифатида.	
34.	Ўзбекистондаги сўнги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борадида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш мақсадида “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” мавзусида.	Август
35.	“Юксак маънавият – энгилмас куч”, “Миллий гоя ва мафқуранинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги ўрни” мавзусида.	
36.	Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан “Мустақиллик – буюк ва бебаҳо неъмат” мавзусида	
37.	“Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига таҳдид солувчи ташки таҳдидлар – экстремизм, терроризм ва миссионерлик, “оммавий маданият” каби ёт гояларнинг вайронкор оқибатлари мавзусида	Сентябрь
38.	Таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш орқали миллий тараққиётга эришиш мақсадида “Тарбия биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир” ёҳуд “Илмдан бошқа наҳот йўқ” мавзуларида	
39.	Фарзанд тарбиясида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида “Болам бахтли бўлсин десангиз”, “Ота-оналарнинг бола тарбиясига эътибори қандай?” мавзуларида	
40.	“Ақл-заковат ва илм– энг катта бойлик, яхши тарбия – энг катта мерос” мавзусида	
41.	1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан “Ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила...” мавзусида	
42.	Маърифатли сиёсат, юксак маънавият ва демократик ислохотлар билан дунёга юз тугаётган юрт мавзусида.	
43.	Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган “Бола – азиз, одоби ундан азиз”, “Ота-оналарнинг бола тарбиясига эътибори” мавзусида	Октябрь
44.	21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кунга бағишланган “Тил – миллат маънавияти кўзгуси” мавзусида	
45.	“Жамият тараққиётига хавф солаётган ички ва ташқи таҳдидлар ва улардан ёшларни асраш муаммолари ва ечимлари” мавзусида	
46.	“Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги” доирасида “Сайлов демократик жамият устунли” мавзусида	
47.	Бугунги кунда жамиятда учраётган маънавий нуқсонлар шахсининг маънавий қиёфаси нималарда намоён бўлади?	Ноябрь
48.	18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан “Байроғимиз – фахримиз, гуруримиз” мавзусида	
49.	1 декабрь – Бутун жаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан “ОИТС қурбони бўлиб қолман” мавзусида.	
50.	8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан “Конституция–ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати!”, “Инсоннинг маънавий ва маданий савияси унинг қонунларга оғишмай амал қилишида намоён бўлади” мавзусида	
51.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан сўзларда нутқи мазмун-моҳияти ҳақида	Декабрь
52.	10 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан “Давлат мадҳиямиз – фахримиз” мавзусида	
53.	Мамлакатимизда йил давомида амалга оширилган ислохотлар ҳақида “Йил сарҳисоби” мавзусида	

Ушбу “Маънавият соатлари” мавзулари тавсиявий характерга эга бўлиб, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юзасидан қабул қилинадиган қарорлари ҳамда мамлакат ҳаётига оид юз берадиган муҳим воқеа ва ҳодисалардан келиб чиқиб, қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкин.

АНГОР ТУМАН ҲОКИМЛИГИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ.

Байрамингиз муборак азиз аскарлар

“Бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало ўз оиласи, Ватани ҳамда халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир”.

(Алишер НАВОЙЙ).



Мустиқил Ўзбекистоннинг эртанги келажаги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида кечаю-кундуз тинмай хизмат қиладиган касб эгалари-бу Ватанимиз ҳимоячилари, мард ўғлонларимиз ҳисобланади.

Мустиқиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ тарих саҳнасида қоладиغان қарорлар қабул қилинди, улардан бири бу-1993 йил 29 декабрь санасида “14 январь Ўзбекистон Республикасида Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди. Бу йил 14-январь санасини нишонлаётганимизга 29 йил бўлди.

29 йил мобайнида азиз, муҳтарам, мард ўғлонларимизнинг чексиз хизматлари туфайли тинч, осойишта, эркин, озод ва обод бўлиб, мусаффо осмон остида, байроғимиз кўкларга кўтарилган ҳолда яшамокдамыз. Бундай фаровон ҳаёт учун аввало юртбошимизга, сўнг миллий армиямизга қанча раҳмат айтсак ҳам кам.

Ютуқлар сари

Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг ташкил этилганлигининг 29-йиллиги муносабати билан Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида “Ватанпарлик ойлиги” муносабати билан “Ким ватанга содиқ бўлса, мендирман уш!” шиори остида вилоят МИБ ва ХТБ ҳамкорли-

гида “Темурбеклар” ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи ўтказилди. Бунда туманимиз шарафини 7-сонли умумтаълим мактабининг “Бургутлар” жамоаси ҳимоя қилиб 5-ўринни эгаллади. 7-мактабнинг ЧХБТ раҳбари У.Кенжаев кейинги танловда бун-

данда яхши тайёргарлик кўришга ваъда берди. Биз бу жамоадан катта ютуқлар кутиб қоламиз ва омадлар тилаймиз.

Сайёра ХОЛТЎРАЕВА, 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 5 февралда ПФ-5655-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий ва методик принципларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларини қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидаги маъсулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси 2020 йил 11 ноябрь куни № 710-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш 2023 йилга қўйилди. Мустиқиллик йилларида илк маротаба аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди.

Аҳоли жон бошига макроиктисодий кўрсаткичларини ҳисоблашда (яъни ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол маҳсулотлари ҳажми, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари) ишлатилади.

Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Республика ва ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот сифатида фойдаланилади.

Статистика идоралари томонидан ташкил этиладиган танлама кузатувларни ташкил этишда маълумотлар базаси сифатида қўлланилади. Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритишда хизмат қилади.

Аҳоли пунктларининг инфраструктурасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муددатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган таҳлиллар учун кенг қамровли ахборотлар манбаи ҳисобланади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иктисодий жараёнларини прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши, фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

У.ТЎРАЕВ, туман статистика бўлими етакчи мутахассиси

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бизга нима беради? Маълум бир санда аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинс таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳоли, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иктисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (қасби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

Йигит борки, етти пуштигача номи қолар, йигит борки, етти кунда номи йўқолар.
Мақол

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

“Инсон барча нарсда меъёрни билиши лозим, меъёр бу доно ҳаёт кечириш гарови”.

Ҳар бир инсон истеъмол қилаётган овқатига тўғри овқатланиш деб қаради. Қачонки саломатлигида бирор муаммо пайдо бўлганидан кейингина овқатланиш тартибини ўзгартириш кераклигини ўйлаб кўради, бу албатта кеч қўлланилган муолажа саналади.



Инсон ўз соғлиғига доимо масъулятли бўлмоғи зарур. Кўпчилик инсонлар ҳаттоки ёшлар ҳам бобо, момоларининг овқатланиш режими, уларнинг саломатликлари яхшилигини кўриб, биз ҳам шу тарихи овқатланишини йўлга қўйсак тўғри деб ўйлашади. Бирок, ҳозирги фан техника тараққиётини, инсонларнинг кам ҳаракатчанлигини, шу билан бизни соғлиғимизга фойдали бўлиб, бирор организмимизга ноҳўй таъсир қилмаслиги ва кайфиятимиз яхши бўлишига олиб келиши керак.

СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Ангор туман Ахборот кутубхона марказида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш бўлини маси ходимлари билан ҳамкорликда «Соғлом ҳаётга қадам» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда туман Халқ таълими бўлими, мактаб-

Мароқли саёҳат

Ўз юртининг бетакор ва сўлим гўшаларига саёҳат қилиш, асрларга тенгдош бўлган тарихий обидаларини зиёрат қилиш, гўзал табиатнинг бебаҳо инъомларидан баҳраманд бўлиш инсон маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Куни кеча Ангор тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан 200 нафардан ортиқ мактаб ўқувчиларининг Термиз шаҳри ва Термиз туманига саёҳати ташкил этилди. Ўқувчилар дастлаб, вилоят маркази бўйлаб саёҳат қилдилар. Шундан сўнг, Термиз давлат университетида бўлиб, бу ерда ташкил этилган “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи билан танишдилар. Ўқувчи ёшлар-

га университетнинг тарихчи олимлари томонидан қатагон йиллари ҳақида маълумотлар берилди. Уша йилларда вилоятдаги ҳаёт, воҳалиқларнинг турмуш тарзи ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди. Шундан сўнг, ўқувчилар Термиз археология музейида бўлишди. Улар вилоятимизнинг тарихидан хабар берувчи ҳар бир экспонат билан яқиндан танишдилар. Саёҳат баҳонасида ўқувчилар музей фондидан ўрин олган археологик топилмаларнинг тарихий аҳамияти, инсониятнинг дастлабки манзиллари, ажодларимизнинг турмуш тарзи, ибтидоий манзаралар, деҳқончилик ва харбий қурол-аслаҳалар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўдилар.

Вилоятимизда ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилган саёҳатнинг кейинги манзили Ал Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси бўлди. Бу ерда улар буюк мутафаккир ат-Термизий ҳаёти ва ижоди, аллома қолдирган бой маънавий мерос, унинг қабри устида бунёд этилган макбарат тарихи, мустиқиллик йилларида олиб боришган ободонлаштириш ишлари билан танишдилар. Сўхбат давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муносабат қилиб, керакли маълумотларга эга бўдилар.

Гавҳар ЖУМАЕВА.

ЎТКИР ГАСТРИТ

Ўткир гастритнинг клиник белгиси унинг оғирлик даражаси ва клиник кечишига боғлиқ. Ўткир оддий гастритда беморларни кўнгил айнаши, шиллик ва хазм бўлмаган овқатлар баъзида ўт билан қайт қилиш, овқат хазм бўлмаганлик ҳисси, қоринда оғрик, оғизда ноҳуш таъм, умумий ҳолсизлик, тери рангининг оқариши, тилни қараш қопламани, оғир кечиларида қон босимининг пасайиш каби белгилар кузатилади.

Касаллик ўртача 5-6 кун давом этади. Ўткир гастритни даволаш унга олиб келган этиологик омил билан узвий боғлиқ. Муолажалар салбий омилларни ошқозон шиллик қаватига таъсирини бартараф этишдан бошланади. Касалликнинг профилактикаси овқатланиш, овқат маҳсулотлари ва масалликларни сақлаш тартибига ҳамда шахсий санитария гигиена қоидаларига риоя қилиши каби тадбирларни ўз ичига олади.

ЎТКИР БРОНХИТ

Ўткир бронхит-нафас аъзолари касалликлари ичида кўп учрайдиган хасталиқлардан бири ҳисобланади. У аксарият ҳолларда фаслнинг совуқ кунларида, грипп эпидемияси ва бошқа вирусли респиратор касаллиқлар вақтида аниқланади. Клиникасида-умумий ҳолсизланиш, бош оғриши, иштаха пастлиги, иситма, томоқ қизариш билан бошланиб кейин йўтал кўпилади. Кўкрак қафасида оғрик пайдо бўлади. Бу оғрик бемор нафас олганда кучаяди.

Давоси-одатда ўткир бронхитга чалинган беморлар ҚВП ва оилавий поликлиникада даволанадилар. Уларга иссиқ суюқликлар (лимонли, малинали, асалли чой) ичishi тавсия этилади. Антибиотиклар, балғам қўчирувчи дорилар ва қўшимча даво муолажалари ҳам қилинади. Профилактикаси: организмни чиниқтириш, чекишдан воз кечиш, юқори нафас йўлларидаги сурункали инфекция ўчоқлари санацияси, атроф-муҳит занги ва салбий таъсир этувчи газлардан сақланиш гриппга қарши вакцинация ўтказиш ва эпидемия вақтида унга қарши дори воситалари қабул қилиш керак.

Салима РАЖАПОВА, туман тиббиёт бирлашмаси шифокори.

Дунёда “Ватан” сўзидан азиз ва юракка яқин калом топилмагани каби, ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф ҳам йўқ. Мазкур тушунарлар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, асрлар оша ажодларимиз ўғитлари халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларида ҳам яшаб келмоқда.

Биз кичик аскарлар

Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустиқиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг келажаги, буюк давлат барпо этаётган Ўзбекистон фуқароларининг тинч осойишта ҳаёти, бунёдкорлик йўлида хавфсизлигининг кафолатидир. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан мактабимизда «Биз кичик аскарлармиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир давомида ўқувчилар Ватан ҳақида шеърлар айтишди.

Мен аскарман, доймо, Хушёрлик менга қурол. Дарров сезаман, ҳатто, Шитрласа, гар шамол.

Азиз она-Ватаним, Тиккан менга кўзини. Фидо этиб бу жоним, Оқлайман юрт тузини.

Кўриқлайман эл тинчин, Тонгларнинг кулгинини. Кексалар бағт, секинчин, Гўдақлар келгусини.

Мустиқил она –Ватан, Менинг кўз қароғимда. Азиз шу юрт, шу чаман, Ўстирди шу кучоғида.

Шунингдек, ўқувчилар тадбир давомида “Аскарлар” номли жанговор кўшиқни ҳам ижро этишди. Юртимиз тинч осмонимизда мусаффо, халқимиз омон бўлсин.

Н.ТУРДИЕВА, 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Сигир мучали ҳақида

Сигир мучалида туғилган инсонлар сабр-тоқатли камгап, ишончга лойиқ, вазмин, яхши феъл-атворли кишилардир. Ақсар ҳолларда содда кифада бўлишса-да, ақл-заковат соҳибига ҳамда чуқур мулоҳаза юрита олиш қобилиятига эга шахслардир. Одатда камгап, бироқ илҳом келганда гапдон бўлиб кетишади. Улар жисмоний жиҳатдан бакуват, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга бардошли. Турмушларида оила катта аҳамият касб этади. Болаларини яхши кўриб, улар билан фахрланишади. Бирок, буйруқ беришга ўрганганликлари сабабли уларга ҳам тез-тез кўполлик

қилиб туришади. Сигир йилида туғилганлар ўз оиласига бахт-саодат келтирувчи, ҳақиқий меҳнаткаш кишилардир. Ушбу мучал аёллари ўз оилалари учун жуда жон куйдиришади. Оила раванки учун уни каттиққўллик билан бошқариб боришади. Эрларини кўпинча ўз изнларига туширишади. Ушбу йилда туғилган ақсарият эр-хотинлар хушмуомила, садоқатли, ҳиссиётли бўлиши мумкин. Лекин ҳаёлпараст бўлиши мумкин. Кексайганларда мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкин, аммо буни бартараф эта олишга қарилки гаштини хотиржам сураверадилар.



ДУНЁНИНГ ЭНГ БАЛАНД 5 ЧЎҚҚИСИ

Африка қитъасининг энг юқори нуқтаси бўлган Килиманжаро чўққиси денгиз сатҳидан 5895 метр баландликка кўтарилган. Бу чўққини забт этганлар пастда ястаниб ётган ажайиб манзарадан ҳайратда қоладилар. Африкада энг баланд саноатчилик бўлиши истаб қоламиз. Оилангиз саломатлигини мустиқамлашда сизнинг ҳиссангиз ниҳоятда катта. Бугунги кун талабига кўра дастурхонингиз таомнамасини яна бир бор назоратингиздан ўтказинг ва оилангиз билан биргаликда соғлом ҳаёт сари қадам қўйинг.

Шимолӣ Америкада жойлашган Мак-Кинли чўққиси 6194 метр баландликка буй чўзган. Чўққининг атрофидаги гўзал манзаралар миллионлар сайёҳларни ўз бағрига чорлайди. Шунингдек, бу жой Голливуд киноижодкорларининг ҳам сеvimли маскани ҳисобланади. Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган Эльбрус тоғи чўққиси нафақат бу давлатнинг, балки бутун қитъаниннг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Машаққат билан 6642 метр баландликни забт этган альпинистлар оппоқ қорлар ва булутлар-

Интернет маълумотлари асосида

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ангор туманидаги 22-сонли умумтаълим мактаби томонидан Омонова Эъвоза Омоновна номига 2002 йилда берилган UM № 0548793 рақамли аттестат йўқолганлиги учун Бекор қилинади.

Ангор тумани «Каттақум» МФИда яшовчи Ашуров Рамазон Чориевичнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва оғохлантириш талони, «Наврўз» МФИда яшовчи Чориев Валжон Уроқовичнинг, «Фаровон» МФИда яшовчи Абдуназаров Турал Абдувалиевичнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда «Хўжанкон» МФИда яшовчи Жумаев Зафар Бўриевичнинг оғохлантириш талони йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Ҳ.РАҲМОНОВА, АКМ ходими

(Давоми. Боши 2-бетда)

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ СУД ТИЗИМИ

Мухим янгиликлардан бири сифатида суд тизимидаги ўзгаришларни келтириш мумкин. Илгари фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича урта алоҳида вилоят судлари фаолият кўрсатган бўлса, энди улар битта суд сифатида бирлаштирилади. Яъни, битта вилоят суди раис бўлади, унинг фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича ўринбосарлари фаолият кўрсатади. Бу янгилик катта қўлайликларни яратди ва албатта ўз самарасини беради.

Мухим янгиликлардан бири сифатида суд тизимидаги ўзгаришларни келтириш мумкин. Илгари фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича урта алоҳида вилоят судлари фаолият кўрсатган бўлса, энди улар битта суд сифатида бирлаштирилади. Яъни, битта вилоят суди раис бўлади, унинг фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича ўринбосарлари фаолият кўрсатади. Бу янгилик катта қўлайликларни яратди ва албатта ўз самарасини беради.

Яна бир янги тартиб жорий этилмоқдаки, бу жуда кўп ортиқча ташвишларнинг олдини олади. Ҳар бир ишни судда кўриш фуқаролар учун ҳам, суд ходимлари учун ҳам катта ташвиш. Баъзида аризмаган ёки асослари етарли бўлмаган ишлар учун ойлаб-ойлаб шашмакча тўғри келарди. Шунинг учун суд муҳомадасига қадар дастлабки эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Бундан ишнинг тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суднинг ўзи якуний қарор қабул қилади. Демак, ходимлар ҳам, судьялар ҳам асоссиз, енгил-елпи ишларга чалғимай, ўз ишини пухта бажаради. Суд қарорларининг сифати ошади.

Жорий йилда 2020 йил сентябрь ойида бошланган суд тизимини рақамлаштириш янада кенгайтирилди. Замонавий рақамли технологияларни жорий этиш фуқароларимизга жуда катта қўлайликлар яратмоқда. Суд биносига келмасдан «онлайн» тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилди. Фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.

Юртимизга келадиган ҳар бир инвестор биз учун кадрлар. Чунки, у маблағ олиб келади, корхона яратди, одамларни иш билан таъминлади, иқтисодийётга фойда келтиради. Лекин улар оворасарсон бўлиб, ўз ҳақ-хуқуқларини етарли ҳимоя қилолмас эди. Эндиликда инвесторлар хуқуқларини муносиб

химоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низола ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди. Энди инвесторлар, ўз хошишига кўра, низои ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин. Бу янгилик юртимизда қонун устуворлигига ишончни ортириб, инвесторлар оқими ошшига ёрдам беради.

устидан берилган шикоятларни, апелляция инстанциясида кўриб чиқилган ишларни эса кассацияда кўриб чиқиш тартиби белгиланмоқда.

Яъни, Сенат маъқуллаган қонунлар билан бир-бирини тақрорловчи инстанциялар бекор қилинмоқда. Жумладан, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд-биринчи инстанция (туман, шаҳар судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича вилоят судлари, апелляция инстанцияси (вилоят судлари ва кассация инстанцияси (Олий суд) тизими яратилади. Бу билан кассация тартиби вазира ва валар коллатларини тақрорловчи амалдаги назорат тартибиди иш юритиш бекор қилинмоқда.

Мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Янги ўрнатилаётган тартиб биринчи инстанция судида кўрилган ишни бир-икки ой ичида апелляция тартибиди, уч-тўрт ой ичида Олий судда кўриш имконини беради. Бу судма-суд сарсон бўлишининг олдини олади. Ўз навбатида қисқа муддатларда жабрланувчи, даввогар ва ишдаги бошқа тарафларнинг бузилган хуқуқлари тикланади.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексда биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажримни устидан апелляция тартибиди шикоят бериш муддати 10 кундан 20 кунга, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича апелляция шикоятларини бериш муддатлари 20 кундан 1 ойга қадар узайтирилмоқда.

Мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Янги ўрнатилаётган тартиб биринчи инстанция судида кўрилган ишни бир-икки ой ичида апелляция тартибиди, уч-тўрт ой ичида Олий судда кўриш имконини беради. Бу судма-суд сарсон бўлишининг олдини олади. Ўз навбатида қисқа муддатларда жабрланувчи, даввогар ва ишдаги бошқа тарафларнинг бузилган хуқуқлари тикланади.

Мазкур ўзгаришлар фуқароларнинг ортақ овоз-орачиликларининг олдини олади, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириб, суднинг чинакам мустақиллигини, фуқаролар хуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, қонун устуворлигига одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда

Мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Янги ўрнатилаётган тартиб биринчи инстанция судида кўрилган ишни бир-икки ой ичида апелляция тартибиди, уч-тўрт ой ичида Олий судда кўриш имконини беради. Бу судма-суд сарсон бўлишининг олдини олади. Ўз навбатида қисқа муддатларда жабрланувчи, даввогар ва ишдаги бошқа тарафларнинг бузилган хуқуқлари тикланади.

Мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Янги ўрнатилаётган тартиб биринчи инстанция судида кўрилган ишни бир-икки ой ичида апелляция тартибиди, уч-тўрт ой ичида Олий судда кўриш имконини беради. Бу судма-суд сарсон бўлишининг олдини олади. Ўз навбатида қисқа муддатларда жабрланувчи, даввогар ва ишдаги бошқа тарафларнинг бузилган хуқуқлари тикланади.

Мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Янги ўрнатилаётган тартиб биринчи инстанция судида кўрилган ишни бир-икки ой ичида апелляция тартибиди, уч-тўрт ой ичида Олий судда кўриш имконини беради. Бу судма-суд сарсон бўлишининг олдини олади. Ўз навбатида қисқа муддатларда жабрланувчи, даввогар ва ишдаги бошқа тарафларнинг бузилган хуқуқлари тикланади.

Мамлакатимиз да ФХДЭ органлари амалдаги Қонун ҳужжатларига асосан фуқароларнинг шахсий ва мулклий хуқуқларини ҳимоялаш ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар ҳаёти-фуқароларнинг хуқуқ ва бурчлари пайдо бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилувчи ҳужжат бериш учун асос бўлади.

Бугунги кунда ФХДЭ органларининг фаолияти уларнинг асосий вазифарларидан бири бўлган ту-

Қ О Н У Н ҳужжатлари амалда

даги муҳим воқеалар — туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив хуқуқлари ва мажбуриятларининг юзга келиши, ўзгариши ва тўхтатишига сабаб бўладиган бошқа ҳолатларни қайд этиш фаолияти билан шуғулланади.

Шу сабабдан ҳам ФХДЭ органларининг фаолияти, улар томонидан қайд этилаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари фуқаролар ҳаётида муҳим хуқуқий аҳамият касб этади. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш

ғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ҳолатларини қайд этилишини тўлиқ қамраб олинишига эришишга қаратилган.

Шунга кўра, Ангор туман ФХДЭ бўлимида 2020 йилда 1306 та никоҳ, 3555 та туғилганлик, 757 та ўлим гувоҳномаси қайд этилган. Шунингдек, аҳоли ўртасида турли мавзуларда 12 марта давра суҳбати ўтказилган.

Ш.РАҲМОНОВА,
Ангор туман ФХДЭ бўлими мудир



104 ёшли онахон

Дунёда биз учун энг азиз, муътабар инсон-она. У ҳамisha фарзанди, дилбандининг келажиги учун қайғуради. Мургак гўдагини бағрига босиб оқ сутига қўшиб меҳр беради. Боланинг илк айтган сўзи, ташлаган биринчи қадами она ётида бир умр қолади. Тун-у кун жигарпорасининг истиқболини тилаб дуо қилади. Она муътабар, она қалб дарё инсон. Унинг меҳрини ҳис этиш, ширин суҳбатини олиш ҳар бир инсон учун энг катта бахт аслида. Шу боис оналаримизнинг қадрига ҳаёт эканликларида етайлик. Улардан олис бўлмасак-да бизни соғинишларини унутмайлик. Буни тушуниш, англаш учун бир муддат олисда бўлган фарзандимизни ёдга олсак билас, шунинг ўзи етарли. Мушунга она ўзи емаса-да, фарзандига илинади. Унинг дўстларидан кам бўлмаслиги учун елиб югуради, ҳаракат қилади.

Рўзгор юки оғир, залворли. Баъзан уни икки киши, эр-хотин биргалашиб кўтаришга ҳам оғирлик қилади. Турмушининг мушугига чидаш учун инсон бардоши, иродали ва албатта, илмли бўлиши керак. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деган ибратли нақлни кўп бора эшитганмиз. Бу иборанинг қанчалик ҳақиқат эканлигини кўпни кўрган нурунийлар билан суҳбатлашганимизда яна бир қарра амин бўламиз. Уларнинг айтган сўзлари биз учун ҳаёт мактабидир.

Ҳаёт ҳақида, турмуш ҳақида туманимизнинг «Каттақум» маҳалласида истиқомат қилувчи 104 ёшли Бибиғул ая Холёрова билан суҳбатлашдик.

«Ёшлигим қийинчилик даврда ўтган. Эҳ-ҳе у пайларда бир бўлак нон топиш мушкул эди. Кўпинча оқ қолган кезларимиз ҳам бўлган», - дейди Бибиғул ая Холёрова.

Бибиғул ая иккинчи жаҳон уруши йилларида турмуш ўртоғининг соғ-омон қайтишини интизорлик билан кутди. Ниҳоят, омон келганлигини кувонади. Бироқ, улар уч нафар фарзандли бўлган турмуш ўртоғи ҳаётдан кўз юмади. Рўзгорнинг ташвиши ёлғиз аянинг зиммасида қолади. Бир нафар ўғил, икки нафар қизни воёга етказиш учун тиним билмай меҳнат қилади. 20 йилча қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлайди.

«Далаларда пахта тердим, пилла боқдим. Бундан ташқари 10 йил давомида дала ишчилари учун нон пишир-

Кексалар дуоиси ижобат дейишди. Уларнинг дуолари олтинга тенг. Ҳаётнинг баланд-паст, ўнқир-чунқир йўлларини босиб ўтган Бибиғул ая ҳозирда яқинлари қуршовада бахтиёр умр гузаронлик қилмоқда.

Г.ЖУМАЕВА

Уруғлик пахта етиштириш бўйича тендер танловига марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 3 февралдаги 1551-3-сонли рақами билан қайта рўйхатга олинган «Супер элита, элита ва кейинги авлодга мансуб уруғлик пахта етиштириш хуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМИ» га асосан 2021 йил ҳосилидан сафатли уруғлик пахта тайёрлаш мақсадида фермер хўжаликлари ўртасида жойларда тендер танлови ўтказилади.

Тендер танловига қатнашувчи фермер хўжаликлари 2021 йилнинг 20 январга қадар танлов комиссиясига қуйилган ҳужжатлар тўпламининг тақдим этишлари шарт.

1. Тендер танлови комиссияси номига ариза ва 1-10 гача бўлган қўйилган тегишли шакллари;
2. Фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қароридан нусха;
3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг фермер хўжалиги даласи ҳар бир контурларининг бал бонитети тўғрисидаги маълумотномаси;
4. Пахта етиштирилмаган майдон тўғрисидаги туман ҚХ бўлими маълумоти;
5. Оқар сув таъминоти бўйича туман ирригация тизими бошқармаси маълумоти;
6. Сўнги 3 йилда гўза майдонлари касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмаганлиги, шунингдек уларда бегона ўт тарқалмаганлиги тўғрисида туман «Агрокимёҳимоя» АЖ маълумотномаси;
7. Фермер хўжалиги раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисидаги дипломи тасдиқланган ҳолдаги нусхаси;
8. Фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалик со-

ҳасидаги иш стажига ҳақидаги меҳнат дафтарасидан тасдиқланган ҳолдаги нусхаси;

9. Хўжаликда ишлаётган уруғчи агрономнинг маълумоти тўғрисидаги дипломи тасдиқланган ҳолдаги нусхаси;
10. Хўжаликнинг мажбуриятлардан ҳоли бўлган банк ҳисоб ваарағида мавжуд пул маблағи тўғрисида банк маълумотномаси;
11. Хўжаликнинг техника воситалари туман Агроинспекциясининг техник кўригидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ҳамда техникаларининг техпаспорти нусхаси;
12. Сўнги 3 йил ичида пахта хомашисининг етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларининг бажариллиги тўғрисида пахта тозалаш корхонасининг маълумотномаси;
13. Сўнги 3 йил ичида пахта ҳосилдорлиги тўғрисида пахта тозалаш корхонасининг маълумотномаси;
14. Фермер хўжалигининг мавжуд дебитор ва кредиторлик қарздорлиги тўғрисида туман ҚХ бўлими ва туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумотномаси;

Шунингдек, тендер танловига қатнашадиган фермер хўжаликлари «Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги» журналин, «Қишлоқ ҳаёти» газета ва журналларга обуна бўлиши, фермер хўжалигининг ер бал бонитети 45 баллдан паст бўлмаслиги, 3 йил давомида юқори ҳосил олганлиги талаб этилади.

Танлов ўтказиш муддати: 2021 йил 29 январда бўлиб ўтади. Белгиланган кунда танловда иштирок этмаган фермер хўжаликлари уруғлик пахта етиштириш хуқуқи берилмайди.

Туман Тендер танлови ишчи гуруҳи.

ЁШЛАР УЧУН СОВГА



Ҳозирги кунда Ангор туман ахборот-кутубхона марказида жами 67514 дона адабиёт мавжуд. Бундан ташқари, 4000 та электрон китоблар ҳам бор. Китобхоналар



учин имкониятлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан 20 дона компьютер олиб берилди. Бу «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да ёшлар учун ҳақиқий совга бўлди. Албатта, охиригисумдаги ортехника воситаларининг мавжудлиги ҳамда вай-фай зоналарининг ўрнатилиши ёшларнинг маданий ҳамда маънавий дам олишилари учун тўлиқ шароит яратди.

А.ҚАБУЛОВ

Ангор туманида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

2020 йил якуни учун тақдим этиладиган **1-ҚВ шакли (йиллик)** давлат статистик ҳисоботини кичик корхона ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) 2021 йилнинг 26 февралдан кечиктирмай;

1-notijorat shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ дан ташқари) 2021 йилнинг 15 февралдан кечиктирмай;

1-FX shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини фермер хўжаликлари 2021 йилнинг 25 февралдан кечиктирмай;

1-NNТ шакли (йиллик) давлат статистик ҳисоботини жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2021 йилнинг 2 мартдан кечиктирмай;

2020 йил якуни учун йиллик **1-mehnat shakli (йиллик)** давлат статистик ҳисоботини юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлималари (кичик корхона ва микрофирмалар, хусусий уй-жой эгалари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқари) 2021 йилнинг 31-январдан кечиктирмай;

Юқорида қайд этилган йиллик ҳисоботларни электрон тақдим этиш бўйича тушунтиришларни давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz ва вилоят статистика бошқармасининг www.surxonstat.uz сайтидан ёки туман статистика бўлимидан олишларингиз мумкин.

Давлат статистика ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри тақдим этган хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс»нинг 215-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилиши тўғрисида огоҳлантираимиз.

ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ

Кўндан юлдуз териб нурни излаган, Сизлар суянчимиз, сизлар ифтихор. Қаддин кериб, юртада тинчлик кўзлаган, Эр йигитлар элга бўлинг мададкор.

Қаддингиз тик тутиб бир дам эгилманг, Бўйинга келсада ажал ила дор. Сизларни юрт алқар сира унутманг, Сиз ўзбек ўғлони элга мададкор.

Бизлар ухлаймиз тунда мириқиб, Сиздачи на тиним, на бир уйку бор. Кучга тўлган вужудингиз чиниқиб, Ўзбек ўғлонлари юртга мададкор.

Ғурур-ори осмон билан тенглашган, Юрса қадамидан ўтлар ёнади. Даврада қад кериб орлар талашган, Ҳар ерда ошини ҳалол олади.

Эр йигитлар юртим тиргақларисиз, Не бўлса хабардор сергақларисиз. Юртимни кўқларга кўтарган ўғлон, Элимнинг ҳақиқий эрқақларисиз.

Дилшода МИРЗАЕВА,
«Дехқонитифок» маҳалласи.



Рассом: Ш.ОМОНОВ



Рассом: Ш.ОМОНОВ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ватан мадҳиясини кўйлаш қандай бахт, Бахт эрур ҳар тонгда кўришмоқ соғлом. Ҳарбийнинг ҳар сўзи матонату, аҳд, Юртим ўғлонлари сизга, ассалом!

Қаҳрамон Раҳимов, ботир Абдулла, Темир, Жалолиддин издошларисиз. Озод мамлакатнинг азизу-аҳил, Жасоратли, жасур, аскарларисиз. Юртни кўриқламоқ эрур соадат, Эрур олам аро элнинг тинчлиги. Миллат осийиш тегнисиз фароғат, Мана шу адолат иймон бутлиги.

Меҳрибон оналар дуоиси қўллаб, Оталар олқиши омад келтирсин. Ишқингизда ёниб номалар йўллаб, Ёрингиз ишончи мададкор бўлсин.

Зарифа ШАМИЕВА

ОНА

Ўзидан ҳам кўра сени кўп ўйлаб, Болам бахтли бўл деб ким қилар орзу. Туни кун худого дуолар қилиб, Сенга умр тилаган зот Онангдир.

Уйдан олис кетсанг ташвишинг билан, Тунлари ўйғониб билмаган уйку. Соғ омон юргин деб, қайда бўлсанг ҳам, Йўлингга қараган зот Онангдир.

Кўчага чиқдингми остона хатлаб, Вужудинг қопласа шундай бир туйғу. Уйингда, ортиндан ким қолди қараб, Сендан меҳр сўраган зот Онангдир.

Хусан МАССИЕВ,
«Қадимий Ангор» маҳалласи.

Ангор ёғдуси

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги.

Мухаррир в.б:
ЖУМАЕВА
ГАВҲАР ТОШТЕМИРОВА

Тахрир ҳайъати:
Ж.Чориев (ҳайъат раиси),
Ш.Муродов, А.Саидов,
А.Қораев, Ш.Омонов.

Газета 2012 йил 6 декабрда вилоят матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида 11-054 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Нашр индекси 48643. Буюртма _____ 1300 нусxada босилади. Ҳажми -2 босма тобқ. Бичими А-2.
ISSN-2181-7014

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Интернетдаги сайтимиз: <http://angoryogdusi.uz/>

Тахририят манзили: Ангор қўргони, 8-Март кўчаси 15 уй. Тел: 31-21-367. Сотувда эркин нархда.

Навбатчи муҳаррир : С.Рахматов.

Газета «Noshir lux» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Топшириш вақти 11.00 Топшириш вақти 11.30.